

# **МАТЕМАТИКА ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ИНТЕГРАЦИОН ТАЪЛИМ ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ**

**Каримқулов Солижон Содиқовиҷ –**

Андижон вилояти XTXҚТМО худудий маркази Аниқ ва табиий фанлар методикаси  
кафедраси катта ўқитувчиси

## **USE OF INTEGRATED TEACHING TOOLS IN MATHEMATICS**

**Karimkulov Solijon Sodiqovich –**

Senior Lecturer, Department of Methodology of Exact and Natural Sciences, Andijan  
Regional Territorial Center

Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилиш келажақда ёш авлодни юқори қасбий маданият, ижодий ва ижтимоий фаоллик, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил қатнаша олиш, эркин фикр юритиш қобилиятиларини шакллантиришга йўналтирилган. Бу эса ўз навбатида ўқувчиларнинг билим даражасини ва фаоллигини кенгайтиришни талаб қиласди.

Таълим муассасаларида математика фанини ўқитиши жараёнида ўқувчиларнинг дарсга нисбатан қизиқишиларини орттиришга, мустақиллиги ва фаоллигини ривожлантиришга, мантиқий тафаккурини ўстиришга қаратилган интерфаол таълим олишларига кўмак берувчи интеграцион таълим воситаларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Шунинг учун ҳам

ҳозирги кунда таълим жараёнига илғор педагогик технологиялар, ўқитишининг компьютерли дастурний ҳамда техник воситаларини тадбиқ қилиш - таълим самарадорлигини оширишнинг муҳим омили ҳисобланади. Математика фанини ўқитиши жараёнида жуда катта миқдордаги ахборотларни тўплаш, ўзлаштириш, қайта ишлаш, ўз ўрнида қўллай олиш ва узатиш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун унда анъанавий усуллар билан бирга интеграцион таълим технологияларидан, шу жумладан ахборот технологиялари воситаларидан фойдаланиш зарурияти пайдо бўлади. Ахборот технологиялари воситаларидан фойдаланиб математика фанини ўқитиши жараёнини қизиқарли олиб бориш, ҳар бир ўқувчига индивидуал ёндашиш имконини беради. Ахборот технологиялари воситалари орқали ўқитувчи ва ўқувчилар математика фанига доир жуда қўп миқдордаги ахборотларни олиш ва ўзлаштириш имкониятига эга бўладилар. Бугунги кунда республикамизда янги замонавий интеграцион таълим технологиялари тизими яратилиб, унинг асосий вазифаси таълим тизимидағи таълим мазмуни узлуксизлиги ва узвийлигини таъминлаш, фанларни ўқитиши услубиятини такомиллаштириш, ўқув жараёнига янги педагогик ва ахборот технологияларини жорий этишдан иборат бўлиб, унинг асосида таълим муассасаларида таълим олаётган барча ўқувчилар компьютер ва ахборот технологияларини мукаммал ўрганган, ўзлаштирган ва амалиётга татбиқ эта оладиган бўлиши долзарб масалалардан бирига айланмоқда. Айниқса, дарс жараёнида фанларни бир-бири билан боғлаб ўтиш, ўтилган мавзуни осонроқ тушунишга ва уларни ўзлаштиришга олиб келади.

Фан соҳасининг ҳар қандай янгилиги, лойиҳаси ва ишлаб чиқариш тармоғи мураккаб математик ҳисоблашларсиз амалга оширилмайди. Бундай ҳисоблашларни енгиллаштириш мақсадида кўплаб замонавий ва универсал интеграллашган тизимлар, яъни амалий дастурлар пакети яратилмоқда. Амалий дастурлар пакети амалий ва

тизимли дастурлар билан биргаликда фойдаланиш орқали компьютерларнинг амалий даражасини оширишга қаратилган дастурий ишланмаларнинг кенг доирасини ўз ичига олади. Интеграцион таълим воситалари қўйидагилардан иборат: – ўкув-ўйин дастурлари; – ўргатувчи ва машқ қилдирувчи дастурлар; – тест дастурлари; – электрон ўкув материалларини яратиш учун ускунавий дастурий воситалар, маълумотнома тизимлари ва бошқалар. Интеграцион таълим воситаларидан ўкув машғулотларида фойдаланиб самарадорликка эришиш уларнинг турли талабларга қай даражада жавоб берисига ҳам боғлиқ бўлиб, уларни учта йирик гурухга ажратиш мумкин: - дидактик талаблар; - психофизиологик талаблар; техник талаблар. Математика дарсларини ташкил этишда ана шундай замонавий интеграцион таълим воситалари мажмуусидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш учун улар билан кўпроқ мулоқот қилиш керак бўлади.

Математика дарсларини интеграцион таълим воситалари ёрдамида ташкил этиш этиш, бир томондан дарс сифати ва самарадорлигини ошиrsa, иккинчи томондан ўкувчиларда ахборот технологиялари воситаларини чуқур ўрганиш билим ва кўникмаларини ҳосил қиласи. Бизга маълумки, математика фани таълим тизимида ўкувчиларнинг билим доираси, дунёкарашини, тасаввурлаш қобилиятини шакллантиришда алоҳида ўрин тутади. Чунки математика фани бошқа кўплаб предметларни ўрганишда, янги техника ва технологияларни, ахборот воситаларини ўзлаштиришда кенг қўлланилади. Ҳозирги вақтда математика дарсларидан интеграцион таълим воситаларидан кенг қўлланилмоқда. Интеграцион таълим воситалари ўкув материалларини яхши ўзлаштириш ва эгаллашга, улар мазмунини узок вақт эсда сақлаб қолишга, билимларни мустаҳкамлашга имкон беради, ўкувчиларнинг предметга бўлган қизикишини янада орттиради.

Таълим тизимида айниқса математика фанларини ўқитишида замонавий интеграцион таълим воситаларидан фойдаланиш кенг тарқалган бўлиб, улардан асосийлари Excel дастури ҳамда Maple математик пакети ҳисоб-ланади. Бу дастурлар ўзининг кенг имкониятлилиги ва фойдаланишнинг оддийлиги билан бошқа воситалардан фарқ қиласи. Excel дастури математика дарсларидан оддий ҳисоблашлардан тартиб мураккаб ҳисоблашларни бажариш, оддий ифодаларни қийматларини ҳисоблаш, тармоқланувчи ва такрорланувчи жараёнларга доир масалаларни ечиш, функцияларнинг қийматлар жадвали ва графикини ҳосил қилиш, тенглама ва тенгламалар системасини сонли ва график усусларда ечиш каби бошқа имкониятларни яратади. Умумтаълим мактабларидан математика фанларини ўқитишида Excel дастуридан фойдаланиш бир томондан фанлараро интеграцияни амалга ошиrsa, бошқа томондан мавзуларни ўзлаштиришда ўкувчиларнинг билим даражасини, фаоллигини ва уларни дарсга бўлган қизикишини ҳамда дарснинг кўргазмалигини оширади. Maple мухитида математик формула ва ифодаларни аналитик алмаштиришларни ўтказиш учун кенг имкониятлар мавжуд. Бу имкониятларга ифодаларни соддалаштириш, қисқартириш, кўпайтувчиларга ажратиш, қавсларни очиш, рационал касрларни нормал қўринишга келтириш ва ҳоказо шунга ўхшаш кўплаб айний алмаштиришга доир амалларни келтириш мумкин. Maple мухитининг ушбу имкониятларидан умумтаълим мактабларининг математика дарсларидан ифодаларни айний алмаштиришга доир мавзуларни ўтишида кенгроқ фойдаланиш мумкин. Бу эса ўкувчиларни математика дарсларидан ифодаларни соддалаштириш ва қисқартиришга оид билим ва малакаларини шакллантиришда мухим омил бўлиб хизмат қиласи. Бизга маълумки ўкувчи кўриш сезгиси орқали, эшитиш сезгисига нисбатан кўпроқ ахборотни қабул қиласи ва унинг мазмунини, туб моҳиятини яққол кўра олади. Бу эса ўз навбатида устоз-педагогларнинг бирон-бир элементни оғзаки тушунтиришдан кўра, уни кўргазмали

намойиш этиш усули билан маълумотни ўқувчининг онгига осон ва тез етказиш усул ҳамда йўлларини қидириб топишларига ундейди.

Математика фанининг элементларини тушунтиришда кўргазмали электрон дидактик ишланмалар тайёрлаш, уларни бевосита таълим жараёнига қўллаш таълим-тарбия самарадорлигининг ошишига олиб келади, яъни фанни чуқур ўзлаштиришларида, дунёқарашининг кенгайишида, фазовий тасаввурларининг кенгайишида муҳим ўрин тутади.

Шунингдек, математика, геометрия дарсларида турли функцияларнинг графикларини фазода тасвирлашларида, фазовий жисмлар, уларнинг ўзаро жойлашуви, текисликлар билан турли кесимларини фазовий англашларида кўргазмали, бу борада тайёрланган электрон дидактик ишланмалар муҳим ўрин тутади. Математика дарсларини ташкил қилишда ва янги мавзуларни баён қилишда интеграцион таълим воситаларидан фойдаланиш математик ва техник таълимнинг фундаменталлигини оширишни таъминлайди.